

«ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ ДЕГАНДА БИЗ АВВАЛО ЎЗИМИЗНИ ИНСОН СИФАТИДА АНГЛАШНИ, ОДАМИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИМИЗНИ УЛУГЛАШНИ НАЗАРДА TUTАМИЗ».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 10-may • Chorshanba • 54 (27.546) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan



ИТТИФОҚЧИЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ — АМАЛДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов 6 май куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведевни қабул қилди.

— Ташрифингиз Ўзбекистон билан Россия муносабатлари изчил ривожланиб бораётганининг яна бир ифодасидир, — деди Ислон Каримов. — Ўзаро алоқаларимиз ўтган йилнинг ноябрь ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида муттасил тараққий этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари бу шартнома ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворидаги асосий ҳужжат эканлигини таъкидлади. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 23,5 фоиз ортди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон билан Россия сиёсий ва ижтимоий соҳаларда, хавфсизликни таъминлаш масалаларида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳукуматлар, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ишбилармонлар доирасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда.

Иккала мамлакатда ҳам амалга оширилаётган ислохотлар ва миллий дастурлардаги мутаносиблик, давлатларимизнинг ички ва

ташқи сиёсатидаги ҳамкорлик диққатга сазовордир. Хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш ижтимоий таъминот ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларини ривожлантириш икки мамлакатда ҳам устувор масалалардан саналади.

Д.Медведев Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари сифатида Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга ташриф буюрди. У таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва қишлоқ ҳўжалиги масалаларини назорат қилади. Бу соҳалар бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар эса ҳар жиҳатдан диққатга сазовордир.

Шу маънода Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи мазкур соҳаларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш юзасидан батафсил фикр алмашиш ҳамда шу йўналишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш учун яхши имкониятдир.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Россия алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА)

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведев раҳбарлигидаги делегация 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Рустам Азимов ва Эргаш Шоиमतов ҳамроҳлигида «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамиятида бўлди.

Меҳмонлар корхонада ишлаб чиқарилаётган замонавий Ил-76 ва Ил-114 самолётларини кўздан кечирди. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ҳамда халқаро андозалар асосида такомиллаштирилган юк ташувчи Ил-76ТД-90ВД ҳаво кемаси 2005 йил августда Москва шаҳрида ўтган «МАКС-2005» авиашоусида муваффақиятли иштирок этган эди. Жорий йил май ойида унинг Берлинда ўтадиган «ИЛА-2006» халқаро авиакўргазмасида ҳам намойиш этилиши режалаштирилмоқда.

Д.Медведев корхона аэродромида янги Ил-76ТД-90ВД ҳаво кемасини Россиянинг «Волга-Днепр» авиаконпаниясига топшириш маросимида иштирок этди. Мазкур авиаконпания ўзбекистонлик самолётсозлар ишлаб чиқараётган ушбу ҳаво кемасидан жорий йилда яна битта сотиб олиш истагини билдирган.

Шу куни меҳмон Тошкент Давлат техника университети ҳузурдаги Компьютер технологиялари академик лицейи фаолияти билан танишди.

Д.Медведев Ўзбекистонда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида таълим тизимини ривожлантириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга юксак баҳо берди. Хусусан, замонавий компьютер хоналари, мультимедиа тизими, электрон кутубхона, лаборатория, лингафон хонасидаги шароит жаҳон талабларига тўла мос эканлигини таъкидлади.

Д.Медведев Республика шойлиқ тиббий ёрдам илмий марказига ташриф буюриб, мазкур муассаса фаолияти, унинг техникавий имкониятлари ва салоҳияти билан танишди. 680 ўринли бу муассасада 25 жарроҳлик ва 84 реанимация хонаси мавжуд. Марказ ходимларидан ўттизга яқини фан доктори, қарийб эллик на-

фари фан номзоди илмий даражасига эга.

Ўзбекистон Шойлиқ тиббий ёрдам илмий маркази билан Россиянинг қатор нуфузли тиббий муассасалари ўртасида кенг ҳамкорлик йўлига қўйилган. Жумладан, сўнгги уч йил мобайнида юздан зиёд ўзбекистонлик шифокор Москвада малака оширди.

Д.Медведев журналистлар билан учрашувда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берди. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги тажрибаси билан танишиш мамлакатимизда миллий лойиҳалар билан шуғулланаётган киши сифатида мен учун гоят фойдали бўлди, — деди Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари. — Ушбу тажриба жуда фойдали ва уни диққат билан ўрганиш лозим, деб уйлайман.

(ЎЗА)



ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ

9 МАЙ — ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАБУСИ БИЛАН ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН УШБУ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ

Мустақиллик йилларида бу кун том маънода инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида мужассам этган муҳим тарихий санага айланди.

Ушбу байрам бу гал Ҳомийлар ва шифокорлар йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Ҳомийлик, саховат ва ҳиммат, меҳр ва муруват фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шафқат-шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларининг доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига этади.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабанинг 61 йиллиги нишонланаётган шу кунларда юртимизда Хотира ва қадрлаш куни алоҳида эътибор билан байрам қилинаётгани тегаран маънога эга. Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий галабани таъминлашда юртдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб-жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тўни тонгга улаб меҳнат қилган, ризку насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз матонати ва фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт. Айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмақ, қадрламоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш ва эъзозлаш, оғир жангу жадалларни бошдан кечирган, ярадор бўлиб қайтган кексаларимизни, фронт ортида машаққатли меҳнати билан галабага ҳисса қўшган инсонлар, айниқса, оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш ва муно-

сиб тақдирлаш миллий қадриятларимиз қаторидан кенг ўрин олгани қувончли.

Президентимиз Ислон Каримовнинг жорий йил 4 майдига Фармонига мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган галабанинг 61 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг пул билан муқофотланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намоийшидир.

Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ. Ушбу тушунчалар мустақиллик даври авлоди учун ўзига хос маънавий қадриятга айланди. Илло, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, буюк галабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаган ва биз, миннатдор авлодлар бу фидойи юртдошларимизни доимо улуғлаймиз, уларнинг бе-

қиёс матонати ва хотираси олдида ҳурмат билан бош эгамиз.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар кунгидан ҳам гажум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрган.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жангтоҳларда жон берган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал ва рақлари Ватанинг фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро она қиёфасида изтироб ва умид намоеън...

Соат 8.40. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Бугун, 9 май — юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган умумхалқ байрами билан барча юртдошларимизни қутлайман, — деди Ислон

Каримов журналистлар билан сўхбатда. — Мана шундай улуғ кунда халқимиз шу ёруғ ва фаровон кунларга шукроналар айтиш баробарида, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимизнинг мусоффолиги учун жангу жадалларда жон олиб-жон берган аждодларимиз хотираси олдида ҳақли равишда бош эгади. Шу билан бирга, бугун ҳаёт, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан галабани таъминлашда қўллаб ҳалқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Уша пайтда юртимизда қарийб 3,5 миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, улардан тахминан 1,5 миллион нафари урушга сарфбар этилган. Ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун 400 минг нафардан зиёд ватандошимиз уруш майдонларида қурбон бўлган, яна қанчадан-қанча кишиларимиз бедарак кетган.

Бунча одамнинг қурбон бўлганини уйлаш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли. Зотан, жангтоҳларда ҳалок бўлган биргина одам ҳам — Инсон. Унинг ҳаёти бемаҳал якун топди, оруз-умидлари рўёбига чиқмай ҳазон бўлди. Бу йўқотишнинг ортида яна қанчадан-қанча қайғу, гам-алам, ҳасратлар ётибди. Бева-бечораю етим-есирлар, фарзанди йўлига кўз тиккан онаизорнинг умиди надоматлари муҳассам шу биргина аччиқ йўқотишнинг замрида...

Шу маънода, бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида сақланиб қолади.

ХОТИРА

Юлдуз бўлиб самоларга учганлар, Киприкдаги ёшдек қалқиб кўчганлар. Фақат тушда дийдор сувин ичганлар, Кўнгили узиб бўлмас хотирангиздан, Ҳар кимки бағри қон, айлансин сиздан!

Сийратлар тупроқда, руҳлар капалак, Ҳар дилга кетдингиз чизиб камалак, Зўр ўғлонлар, қизлар сочи жамалак, Кўнгили узиб бўлмас хотирангиздан, Юз минг дувоижон айлансин сиздан!

Ватан деб Ватандан кетган бобомсан, Йўл қараб жаннатга етган момомсан, Ҳўр кетган минг-минглаб қирмиш лоламсан, Кўнгили узиб бўлмас хотирангиздан, Бу шахидон майдон айлансин сиздан!

Хотирот уйгонса гўзалдир дўстим, Рўх қуши абадий, азалдир дўстим. Сиз отам, сиз онам, сен райхон синглим, Кўнгили узиб бўлмас хотирангиздан, Маҳшаргача имон айлансин сиздан!

Лайлосан фаришта етаклаб кетган, Мухаммадсан жайрон тилидан ўлган, Сен Нормурод Нарзи ой бўлиб ботган, Кўнгили узиб бўлмас хотирангиздан, Жаннат гули райхон айлансин сиздан!

Сизни унутган кун бўлмай қиёмат, Унутганим ёқар доғу маломат, Садоий дуоси бўлсин ижобат, Кўнгили узиб бўлмас хотирангиздан, Она-Ўзбекистон айлансин сиздан!

Шамсиддин САДОЙ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК

Хотира ва Қадрлаш куни юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Иккинчи жаҳон урушида қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар, фронт ортида меҳнат қилганлар, эл-юртга садоқат билан хизмат қилган барча ўтганлар хотирланяпти. Кекса отахон-онахонларга эҳтиром кўрсатилапти. Турли уч-

рашувлар уюштирилиб фахрийлар уларнинг азиз меҳмони бўлмоқдалар. Шундай тадбирлардан бири кеча пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Ёшлик маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Маҳаллада истиқомат қилувчи 28 нафар Иккинчи жаҳон уруш иштирокчи-

лари ва меҳнат фахрийлари тўқин дастурхон атрофида ширин сўхбат қурдилар. Утган даврларни хотирладилар. Уруш дахшати ва ундан кейинги доғули замонларни, ўтган тенгдошларини эсга олдилар, бугунги тинч ва осойишта ҳаётга шукроналар айтдилар.

Мунофиқлиги ифтихор билан томоша қилдилар. — Кейинги йиллар давомида оила ва иш ташвиши билан бу ерга келмаганим. — дейди Зулайхо Обидова. — Мустақиллик майдонидидаги ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриб, тўғриси хайратландим. Бу ишларнинг бош меймони бўлган Президентимизга катта раҳмат. Эзгулик аркаси жуда гўзал қилиб қурилади. Бахтиёр она ҳайкали эса майдонда узукка кўз қўйгандай бўлибди. Бу ёр энди чинакамга халқимизнинг севимли масканларидан бирига айланиши шубҳасиз.

Маъмуржон МАҲМУД

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHDI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, Fax: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIJA MARKAZI
MULKDORGA HANKORI
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ ХАЛҚИМИЗГА ХОС, МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ, УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ МУҚАДДАС ТУШУНЧАЛАРДИР.

ИНСОН ХОТИРАСИ — МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ — УЛУҒ

9 МАЙ — ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАБУСИ БИЛАН ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН УШБУ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юртбошимиз бугунги кунда дунёда уруш таҳдиди наинки мавжудлиги, балки бу таҳдид кундан-кунга кучайиб бораётганига ҳам эътиборни қаратди.

— Башарият ўз тарихида уруш ҳеч қачон ҳеч қимга энгиллик, ёруғлик олиб келмаганига қайта-қайта гувоҳ бўлганига қарамай, Ер юзиде урушнинг хоҳловчилар қачонгина ачинарлидир, — деди Ислам Каримов. — Афғонистонда 27 йил олдин бошланган урушнинг оқибатлари ҳали ҳам барҳам топгани йўқ, бу юртда ҳалигача тинчлик ва хотиржамлик кузатилмапти. Ироқдаги уруш, Эрон афродида уруш нафасини уфуратган воқелик ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Урушга йўналтирилган бундай ҳаракатлар нега давом этмоқда? Афсуски, бу саволга жавоб топиш мушкул. Зеро, дунё тарихи гувоҳки, урушдан ҳеч қачон на уни бошлаганларнинг муроди ҳосил бўлган ва на уруш қилганларга қолганларга энгиллик келган.

Шундай экан, урушларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун, аввало, жаҳонда, минтақамизда тинчлик ва барқарорликка асосланган бугунги ва эртанги ҳаётни таъмин этиш керак. Бу йўлда ҳар қандай муаммо тинчлик йўли билан, дипломатия орқали ҳал этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг бу йўлдаги саяё-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Россия билан Иттифоқчилик шартномасини имзолаганимиз, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон каби йирик давлатлар билан дўстона ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш борасидаги келишувларимиз Ўзбекистоннинг тинчлик ва тараққиёт йўлида қўйилган залворли қадамлари эканини халқимиз, аввало, ёшларимиз теран англашлари лозим.

Энг муҳими, ҳар биримиз ҳар доим огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишимиз даркор. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва оқилоллик, фаровон ҳаёт ва тараққиёт курашчилари бўлиб яшашга урганишимиз зарур, деди Президентимиз.

Бу борада Ўзбекистон ёшларида муайян тушунча ва тасаввур шаклланишини эътироф этар экан, Юртбошимиз ўзининг айрим тақлифларини баён қилди:

— Аввало, ёшларимиз тарихни чуқур ўрганишлари лозим, — деди Президентимиз. — Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истикболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга бепесанд халқнинг келажаги йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни кўрмади. Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичида қолмади, кимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечаги кун кўргуликларни қайтадан боши-

мизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечаги кундан тўғри ҳулоса чиқариб иш тутган жамият келажаққа ишонч билан қадам қўяди.

Айни чоғда, ёшлар нафақат тарихни пухта ўрганиши, балки шу буюқ ўқишимиз билан гурурланиб яшаш керак. Чунки, бу бизнинг тарихимиз. Амир Темур каби шавқатли аждодларимизнинг, улуг аллома ва мутафаккир боболаримизнинг шонли ҳаёти лавҳаларидир.

Шуни ҳам унутмайликки, бугунги кишиларга, хусусан, буюқ келажагимиз бунёдкорларига фақат тарихимиз билан фахру гурур этиб яшаш кифоя қилмайди. Гурурли, мард ёшларимиз буюқ тарихни яратган аждодларнинг ворислари сифатида «Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдирарман?» деган тушунча ва интилишни онгу шуғурига жойлаб яшаш шарт. Эришилган ютуқларимизни янада ривожлантириш билан бирга, бошқалардан ўзишга интилоқ керак. Ана шунда буюқ келажагимизни таъмин этган бўламиз. Аслида, биз ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаганимиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деган давватнинг мазмун-моҳиятида айни шундай интилиш муҳимдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг энг ёши бугун саксондан ошган. Утган йили худди шу санани 33 минг 572 нафар уруш қатнашчиси жойларда биз билан бирга байрам қилганди. Бу галги байрамга-ча улардан 22 минг 251 киши қолди. Фахрийларимизни тириклигида қадрлайлик, эъзозлайлик. Уруш қатнашчиларининг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.

Ушбу санани Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонлай бошлаганимизга етти йил бўлди, деди Президентимиз пировардида. Утган даврда бу айёми кенг байрам қилиш юртимизда истикомат қиладиган барча миллат ва эл-латлар вакиллари учун одат тусига кирди. Шу маънода, ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлашдек ана шу ҳаётий қарашлар эл-юртимизнинг қон-қонига сингиб бораётгани ва бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз умрининг узвий қисмига, барчамиз учун муқаддас қадриятга айлангани катта воқеадир.

Шу кун Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурқанди. Юрт озодлиги ва раънақи учун жон фидо қилган ватандошимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кеча қадар узилмади.

Хотира ва қадрлаш куни бугун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Ғулом МИРЗО, ЎЗА шарҳловчиси



Шу кунларда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридаги Хотира майдони одамлар билан ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда нурунийлар, ёшлар, ўз фарзандларини етаклаган қўллаб-қўллашчилар учралиш мумкин. Улар Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган Ватаннинг фидойи ўғлонларини хотирлаб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўймоқдалар. «Хотира китоби»да ўз боболари исмларини кўриб қалбиде Ватанга муҳаббат янада ортомоқда. Ватан, Юрт, Халқ учун кўрсатилган ҳар бир қаҳармонлик авлодлар хотирасида абадий сақланиб қолишига имон келтирмоқдалар.

Суратларда: Хотира майдонидан лавҳалар.



ШоҳкАТ АҚРАМОВ олган суратлар

— Хотира ва Қадрлаш де-ганда, аввало бу икки тушун-чанин узвий боғлиқлигини, ҳозирги тинч ва эркин ҳаётимизни, шу билан бирга Ва-тан озодлиги йўлида қўрбон бўлган фидойи инсонларни эслаш, уларнинг номларини абадийлаштириш, ёдини қал-бимизда мангу сақлашни ту-шунамиз, — дейди «Нуруний» жамғармаси Бухоро вилоят кенгаши раиси Юсуф Қурбо-нов. — Президентимиз таъ-бири билан айтганда: «Хоти-расиз келажақ йўқ. Агар миллат ўзининг порлоқ ке-лажagini кўрмоқчи бўлса,

унинг хотираси ҳамиша ўйғоқ бўлмоғи лозим. Чун-ки халқ, миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир машаққатли кунлар-дан, тарих синовларидан зарур ҳулоса ва сабоқлар чиқармоғи даркор».

Дарҳақиқат, қўллаб-қўллаб бошига қўлғат ва фожилар ёғдирган Иккинчи жаҳон уру-шининг жабуру жафоси Ўзбеки-стонимиздаги бирор-бир хона-донни четлаб ўтгани йўқ. Бир-гина Бухоро вилоятидан 74 мингдан ортқ юртдошимиз бу жангларда иштирок этди. Улар-дан 30 мингнинг қабри ўзга



ХОТИРАСИ ЎЙҒОҚ МИЛЛАТ

1999 йилда Президентимиз Фармони билан Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган 9 май мамлакатимизда инсон ёди ва қадрини ўзида мужассам этган тарихий санага айланди

юртларда қолиб кетди... — Уша оғир кунларни биз кўрдик, фарзандларимиз, наби-раларимиз кўрмасин, — дейди фахрийси Фармон Омонов. — Қанчадан-қанча ўзбек ўғлонла-ри бедарак кетди. Бугун биз омон қолганлар ҳозирги тинч-осойишта ҳаётимизга шукрона айта-миз. Президентимизга раҳ-мат, у кишининг ташаббуси би-лан уруш қўрбонларининг ном-лари «Хотира китоби»да, қола-верса, пойтахтимизнинг Хоти-ра майдонидеги ёдгорлик маж-муаси лавҳаларига муҳрланди. Тирикларга эса ғамхўрлик ҳар қачонгидан ҳам юксак.

Бу йил Бухорода вилоят ҳокимлигининг ташаббуси би-лан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Шаҳарнинг қоқ марка-зидеги Хотира майдони кўчи-рилгани уруш қўрбон отаҳон-ларини янада қўвонтирди.

— Ушбу хайрли иш қарийб икки ой ичида ниҳоятга еткази-лди, — дейди вилоят «Бола-лар» жамғармаси раиси Абдул-ла Музаффаров. — Янгидан қад-роқланган Хотира майдонидан Мотамсаро она ҳайкали, мангу олов, урушда шаҳид бўлган юртдошларимизнинг номлари битилган лавҳа-китоблар ўрна-

тилган айвон, мрамар ва гранит ётқизилган йўлақлар, фаво-рали гулзор ўрин олган. Бу бухороликларнинг урушда ҳалок бўлганларга юксак эъти-бор ва эҳтиромни раъзидир. Ҳар йили Хотира ва Қадрлаш куни бў ҳўна юртда ўзгача аҳамият касб этади. Утганлар-ни хотирлаш билан бирга бу-гун орамизда яшаётган инсон-ларни қадрлаш, оғирини энгил қилиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Хусусан, «Нуруний» жамғармаси вилоят кенгаши саяё-ҳаракати билан шаҳар ва қишлоқларда қариллик гаштини сураётган 45 мингдан зиёд фахрийлар ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур ижтимоий ёрдамлар кўрсатиломоқда. Масалан, жорий йилнинг би-ринчи чорағида уруш қатнаш-чилари, ногирон ва ёлғиз ке-ксаларга 22,7 миллион сўмлик моддий ёрдам берилгани фик-римиз исботидир. Бундай иш-га қўл қўйган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Пешку-текен», «Бухоротелеком», «Бу-хороёв», «Қоғонёв» ҳиссадорлик жамиятлари, Ромитан тумани-деги «Салим Фарход», «Ҳамро-қил Саидов» фермер ҳўжалик-лари айниқса салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Утган йили 4471 кекса сиҳат-гоҳларда ўз саломатлигини тик-лади. Уларга қарийб 9 милли-он сўмлик бепул дори-дармон-лар етказиб берилди. Жамғар-маниннг қатор туман бўлимлари ҳамда хомийлар кўмағида 4737 нафар фахрий Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорликларини зиёрат қилди-лар, Самарқанд, Хива, Шаҳри-сабз каби шаҳарларда саёҳат-да бўлдилар. «Хомийлар ва ши-фокорлар йили» дастурига кўра, 1270 нафар уруш қатнаш-чиси ҳамда 200 нафардан зиёд юз ёшли отахону онахонларга, 920 нафар яққа-ёлғиз қарияга ғамхўрлик кўрсатиш назарда тутилган.

— Ҳа, хотираси ўйғоқ миллат-гина ўзининг эртасини кўра би-лади. Шундай экан, ўтганлар-нинг хотирасини муқаддас би-лаш, қадрлаш ҳаммамиз бу-ган фарз, ҳам қарзидир. Бу туй-ғуни эътиш ишлар ила ёшлар он-гига сингдириш энг муҳим ва-зифалардан биридир. Мамла-катимизда нишонланётган Хо-тира ва Қадрлаш кунининг мо-ҳияти ҳам аслида шунга қара-тилган.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ОЛИЖАНОБ ИНСОН ЭДИ

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиқ ходими, фан номзоди, ХДП фаоли Ғайрат Машарипов ҳақида

Ғайрат Машарипов, Хоразм-да уни одамлар ўзларига экин олиб соддагани — Ғайрат Назар дейишарди.

Утган асрининг эллигинчи йил-ларида воҳадан этилиб чиққан илк қишлоқ хўжалиқ ходимла-ридан бири бўлганлиги, ўта ну-фузли ҳисобланган Москвадаги Темирязов академиясини туга-тиб камёб касб эгаси бўлгани-дан эмас, ишчанлиги, тиришқок-лиги, энг асосийси принципи-аллиги туйғайли у масъул ва-зифаларга лойиқ қўрилди. Бошқа-лар билан неча ўн йилларда эри-шадиган пиллаполларни қисқа фурсатларда босиб ўтди.

Бош деҳқони деган шарафли ном қолдирди. Вилоят деҳқон-чилиғида ўзига хос мактаб ярат-ди. Бутун тармок Ғайрат Назар-нинг илмий салоҳияти, бой таж-рибаси, ўзига ишонилиб топши-рилган вазифаларда масъулият билан ишлаши, эл-юртда тўкин-чилик яратиш иштиёқи зўрлиги боис янгича мазмун касб этди.

Ғайрат Машарипов одамлар хотирасида партия етакчиси си-фатида ҳам қолди. Истиқлолдан сўн республикамизда Ўзбеки-стон Халқ демократик партияси-га тамал тош қўйилди. У умри-нинг охиригача партиянинг ви-лоят ташкилотига бош бўлди.

Бу пайтда партияда ишлаш-дан қочган, бошқа мансабларга ўзини урганлар оз бўлмаган. Фаҳратгина чин этиқодли, Ва-танга садоқатли кишилар шу оғир, шарафли юмушларни ел-ламулкин кўз қорачиғидек асраш йўлида партия ташкилотининг таш-кил топиши, оёққа туриши, саф-ларини кенгайтириш, жипслаш-тириш, ўз ўрни, обрўсини топи-шида Ғайрат ақаниннг беқийёс хизматлари бор.

У кишининг шоғирди, Ўзе-бекистон ХДП Хоразм вилоят кен-гаши раиси Раимберган Сабу-ров устози ҳақида шундай дей-ди: «Ғайрат ака партиямиз обрў-эътибори учун тиниб-тинчимас-ди, бошқаларни ҳам шунга даъ-

ват этарди. Уша йилларда партиянинг қўлдан-қўл мулкидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланишни кўзлаган одам-лар кўп бўлган. Партиянинг мол-мулкини кўз қорачиғидек асраш йўлида партия ташкилотининг таш-кил топиши, оёққа туриши, саф-ларини кенгайтириш, жипслаш-тириш, ўз ўрни, обрўсини топи-шида Ғайрат ақаниннг беқийёс хизматлари бор.

Ғайрат Машарипов гоётда олижаноб инсон эди, камсуқум, камтарин. Бирова оғир гапир-масди. Аммо, иш юзасидан қат-тиқ раиси Раимберган Сабу-ров устози ҳақида шундай дей-ди: «Ғайрат ака партиямиз обрў-эътибори учун тиниб-тинчимас-ди, бошқаларни ҳам шунга даъ-

ват этарди. Уша йилларда партиянинг қўлдан-қўл мулкидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланишни кўзлаган одам-лар кўп бўлган. Партиянинг мол-мулкини кўз қорачиғидек асраш йўлида партия ташкилотининг таш-кил топиши, оёққа туриши, саф-ларини кенгайтириш, жипслаш-тириш, ўз ўрни, обрўсини топи-шида Ғайрат ақаниннг беқийёс хизматлари бор.

Ғайрат Машарипов гоётда олижаноб инсон эди, камсуқум, камтарин. Бирова оғир гапир-масди. Аммо, иш юзасидан қат-тиқ раиси Раимберган Сабу-ров устози ҳақида шундай дей-ди: «Ғайрат ака партиямиз обрў-эътибори учун тиниб-тинчимас-ди, бошқаларни ҳам шунга даъ-



МЕҲР СОҒИНЧИ

Машхур шоир Мақсуд Шайхон-даниннг Одамлар бор, тиригида ўликдир, одамлар бор, мангуликка тирикдир деган ҳикматнома сатрлари худди меҳрибон устозимиз Махфират Маматқуловага аталгандай.

Бугун Сурхоннинг гўзал Зарабоғ қишлоқ аҳли нималарга эришган бўлса, уларнинг қўли ана шу аёл номи билан боғлиқ, десам муболага бўлмас. Чиндан ҳам бу қишлоқ катта истеъ-додлар маскани. Бу уша ҳамиша ижодкор ахли-нинг диққат марказида бўлиб келган. Негаки, Зарабоғда таваллуд топган одамларгина эмас, балки бу ерда бир марта бўлганларни ҳам унинг сўлим табиати, зумрад тупроғи тагин ўзига тор-тади. Зарабоғта машхур расомлар — Урол Тан-сиқбоев, Рўзи Чориевлар келиб ўқувчилар би-лан учрашувлар ўтказар, табиат манзаралари ҳамда қишлоқ одамларининг портретларини чи-зардилар.

Ҳа, таълим-тарбия жонқуяри Махфират Маматқулова бугун ҳаёти мобайнида эл-юртга хизмат қилди. У ўқувчилар қалбига яшиллик, бағ-рикенглик, меҳр-муруват уруларини сочиб, ун-дан эзгулик медаларини ундирган инсон эди. Афсуски, бевақт ўлим устозимизни орамиздан олиб кетди.

Муаллиманиннг етти нафар фарзанди комил инсонлар бўлиб воғая этди. Энди улар оша ҳаёти давомчиларидир. Яшар иктисодчи, иккинчи ўғли Шаҳриддин генетика фани бўйича етук олим, фан номзоди. Қизлари ҳам турли соҳаларда меҳ-нат қилишяпти.

Ҳар бир инсон ўзидан ўнмас из, яхши ном қолдиришни истайди. Аммо бундай шараф ҳам-мага ҳам насиб этавермайди. Махфират Мамат-қулова ўзининг кўп йиллик педагогик фаолияти ҳамда 16 йиллик мактаб директорлиги даврида ўқитувчи деган эъзозли номи юксак кўтарган, барчаниннг қалбидан бирдек жой ололган аёл эди.

Ҳаёт деганлари ҳамиша армонларга тўла. Агар устоз ҳаёт бўлганларида шу кунларда табарруқ 70 ёшни қаршилаган бўлар эдилар...

Аслини олганда, Зарабоғ қишлоғи унчалик кат-та эмас. Аммо устозиминг, илм нурини берган ардоқли мактабимизинг эсласам, пурвиқор Кўчи-танг тоғ этакларида жойлашган қаддон гўша — Шеробод туманидаги Раззоқ Соатов номли 32-мактаб кўчосида ўтган ёшлик йилларимиз кўз ол-димда гавдаланади. Шу босидан Махфират Ма-матқулованиннг бугун ҳаёти мобайнида қилган хиз-матлари, ахшиликлари туйғайли қишлоғимиз худу-ди менга чегарасиздек туюлаверади...

Тоҳир ЖўРАЕВ, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси Сурхондарё вилоят филиали бошлиғи

ЭЪЗОЗЛИ КИШИЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Истиқлол халқимизга ўзлигини англаш, миллий қадриятларимиз-ни тиклаш ва янада бойитиш, Она-Ватанимиз ҳурлиги йўлида жон фидо қилган аждодларимиз-нинг порлоқ хотирасига эҳтиром кўрсатиш, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ор-тида мардонвор меҳнат қилган-ларни эъзозлаш каби улуг имко-ниятларни берди. 9 майни Юрт-бошимиз томонидан мамлакатимизда «Хотира ва Қадрлаш» куни деб эълон қилиниши бунинг ёркин бир намунаси.

Кўни кеча Тошкент туманиннг «Абдужаббор Абдурахмонов» мева-узум агрофирмасидаги сўлим гўшада ўтганларни хотир-лаш, фахрийларни эъзозлаш ма-росими бўлиб ўтди. Унда худуд-даги «Қирарик» ва «Қорасарой» маҳаллаларида истиқомат қилаётган 80 дан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари йиғилдилар. Уларга туман ҳокимлиги ва агро-фирма томонидан рангли теле-визорлар ва бошқа қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Эл-юртимиз озодлиги йўли-да қўрбон бўлган аждодларимиз хотирасини ёдда тутсақ, фахрий-ларимизни эъзозласак, уларга муносиб ворис сифатида муста-қиллигимизни турли бузғунчи кучлардан ҳимоя этаскинча, фар-заңдларимиз биздан ўрнақ ола-ди, — дейди агрофирма раиси Абдурахим Абдурахмонов. — Ўйлайманки, бу ҳам азал-азалдан ҳеч қимматга эгмаган халқимиз-га хос марралар ва шижоат наму-наси бўлади.

Ушбу тантананада Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, узок йиллар туманиннг юксалишига ўз улуши-ни қўшиб келаётган Пайшан ота Эшонқуловнинг 80 йиллик тўйи ҳам нишонланди.

— Мамлакатимизда биз фах-рийларга кўрсатилаётган иззат-хурматдан ниҳоятда мамнунмиз, — деди уруш фахрийси Жўра ота Халимов. — Бундай йўқлашлар, қадрлашлар бизга дунё берган билан баробардир.

Тантанана санъаткорларнинг куй-қўшиқлари янада шуҳуқ бахш этди. Эъзозли кишилар ана шун-дай эъзозланди.

— Мамлакатимизда биз фах-рийларга кўрсатилаётган иззат-хурматдан ниҳоятда мамнунмиз, — деди уруш фахрийси Жўра ота Халимов. — Бундай йўқлашлар, қадрлашлар бизга дунё берган билан баробардир.

Тантанана санъаткорларнинг куй-қўшиқлари янада шуҳуқ бахш этди. Эъзозли кишилар ана шун-дай эъзозланди.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ ИЖТИМОЙ ЖИХАТДАН АҲАМИЯТГА МОЛИК БЎЛГАН ДОЛЗАРБ КУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ЛОЙИХАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. «Аёл ва унинг жамиятдаги мавқеини ошириш» дастури
2. «Ёшлар ташаббуси» дастури
3. «Тиббиёт ва ҳомийлик» дастури
4. «Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги» дастури
5. «Тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашиш» дастури
6. «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш» дастури
7. «Экология ва жамият» дастури

Танловнинг мақсади:

Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, гуманитар, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа аҳамиятга молик муаммо ва вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг жамоатчилик ва сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг дастур ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашди.

Бериладиган грантларнинг миқдори:

Кичик — 500 миң сўмдан 3 миллион сўмгача
Ўрта — 3 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача
Катта — 10 миллион сўмдан 15 миллион сўмгача
15.000.000 дан 25.000.000 сўмгача бўлган грантлар

лоийҳанинг халқаро ташкилотлар, давлат идоралари ва тижорат ташкилотлари томонидан биргаликда молиялаштирилган тақдирда берилиши мумкин.

Танловда Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлимларидан рўйхатдан ўтган ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларининг Миллий Ассоциацияга (ЎЗННТМА) аъзо бўлган ташкилотларини иштирок этиши мумкин. Танлов шартлари бўйича янада тулиқроқ маълумотлар ЎЗННТМА ва Фонднинг идораси ёки www.ngo.uz манзилдаги интернет саҳифасидан олиниши мумкин.

Ҳужжатлар танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.

Ҳужжатлар 2006 йил 10 июнь соат 16.00 гача қабул қилинади.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш Фонднинг мустақил экспертлар комиссияси манзили:
Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент ш. Мовароуннахр кўчаси, 14,
тел.: 133-47-56; e-mail: grantngouz@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хабари

Валютани тартибга солиш бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатларни бузиш ҳолатларига йўл қўйилгани, хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг банклардаги омонатларининг бут сақланиши таъминланмагани, омонатчилар ва кредиторлар манфаатига аниқ хавф туғдиргани учун «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ «Равнақ-банк» хусусий очик акциядорлик тижорат банкидан чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Марказий банкининг Бош лицензияси жорий йилнинг 5 майдан қайтариб олинди.

Тафсилот

ИРОҚ УЧ ҚИСМГА БЎЛИНАДИ...МИ?



Мамлакатда тўтовсиз давом этаётган қаршиликлар натижасида ўзига хос «диний-этник тозалов»лар юзга келмоқдаки, унинг оқибатида минг-минглаб тинч аҳоли ўз уйлари ташлаб чиқиб кетмоқда ва қардаки ўзларига мансуб қочкинлар бор бўлса, ўша ҳудуддан жой изламоқда, дейилади «La Stampa» газетасида чоп этилган мақолада.

Ироқнинг вице-президенти Одил Абдул-Махдунинг айтишича, диний-этник қарама-қаршиликлар оқибатида деярли 100 миң оила ўз уйлари ташлаб чиқиб кетган. Бу қочкинларнинг 90 фоизи шиалардир. Му сулмон олимлари ассоциациясининг тасдиқлашича этник аралаш ҳудуд — Бағдодда мингдан ортиқ суннийлар уйлари тарқ этган.

Болқон воқеаларини эсга солувчи бундай вазият ва Американинг ҳарбий аралашувини тўхтатиш учун муносив йўл топши масаласи бугунги кунда ўта долзарб бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам сенатор-демократ Жозеф Байден Ироқни унча бўлиш таклифи билан чиқди.

Байден АҚШ сенатининг ташқи ишлар масалалари бўйича кўмита аъзоси, у Ироқдаги урушни қўллаб-қувватлаганлардан ва шунингдек, 2008 йили бўладиган президент сайловида номзодини қўйиши мумкин бўлган шахслардан бири.

У Филадельфияда бўлиб

ўтган халқаро ишлар бўйича Кенгашда сузга чиқиб, Босния моделини Ироққа татбиқ этишни илгари сурди. Яъни бу гоёга кўра, Ироқни ягона федерал ҳукумат бошқаради: ташқи сиёсат ва чегара назорати унинг зиммасида бўлади, лекин мамлакат уч қисмга бўлинади. Шиалар жанубни, курдлар шимолни, суннийлар эса марказни бошқаради, Бағдод эса халқаро кўчалар химюсидаги федерал ҳудуд бўлади. Нефть захиралари ҳам бўлинади, суннийлар ҳудудда нефть конлари йўқлиги учун нефдан келадиган даромадининг 20 фоизи уларга берилади. Президент Буш эса 2008 йилгача ҳарбий қўшинларни олиб чиқиб кетиши ва қайта гуруҳларга бўлиши лозим.

Байден бу таклифни Халқаро алоқалар бўйича кенгашнинг фахрий раиси Лесли Гелб билан ҳамкорликда «New York Times» газетасида ёзган мақоласида ҳам илгари сурди.

Бугунги кунда Байден тарафдорлари ҳам пайдо бўлмоқда. «Washington Post» газетасида Дэвид Бродер бу гоёни қўллаб-қувватловчи мақола эълон қилди. АҚШ ҳарбий-денгиз колледжи профессори, Ироқда ҳарбий хизматда бўлган Ахмад Хошим ҳам ақинда чоп этган китобида АҚШнинг Ироқда демократияни ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бесама қетганлиги, эндиликда мамлакатдаги ахвол фуқаролар уруши

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ

«А-320» самолётининг халокатга учраши туфайли нобуд бўлган фуқароларнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига ёрдам кўрсатиш ҳамда халокат оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссияси қарорига асосан самолётнинг «қора қути»сини Қора денгиз тубидан олиб чиқиш билан шуғулланувчи махсус штаб тузилди.



қилишича, штабни «Росморречфлот» раҳбари Александр Давиденко бошқаради. Россиялик денгизчи мутахассислар, Халқаро авиация кўмитаси вакиллари ҳамда француз мутахассислари гуруҳи ушбу штаб таркибига киритилди.

Самолёт фюзеляжи синиқлари орасидан «қора қути»ни қидириб толуви махсус анжуман, манипулятор ёрдамида бошқариладиган роботлар Франциядан олиб келинади.

ёқасига келиб қолганлиги, унинг олдини олиш учун мамлакат бўлиниши лозимлиги хақида тўхтади.

Бироқ бу гоёга қарши гоёлар ҳам кўп. Бошқа сиёсатчилар ва Ироқ мамурияти аъзолари бу «рецепт» ҳалокатга олиб келишини таъкидламоқдалар. Уларнинг айтишиларча, мамлакатнинг бўлиниши «Ал-Қоиданинг Ироқда илди эротишига замин яратди.

Қисқиси, Ироқда юзга келган вазият турли гоёларни илгари суришга туртки бўлмоқда. Жумладан, Вест-Пойнтдаги академия профессори, майор Исая Уилсон «Ироқда фуқаролар уруши бошланганида имкон яратиб бериш» таклифини ўртага ташлаш, Рейган президентлиги даврида Миллий хавфсизлик агентлиги раҳбари бўлган, генерал Уильям Одом эса Ироқда ҳур эркинликнинг давом эттирилгани ва миллиардларни шамолга совавурмаслик учун АҚШ ўз ҳарбий қўшинини тезда Ироқдан олиб чиқиб кетиши лозимлигини уқтиради.

Аммо Байден таклифи қўтилмаганда Ироқ ҳукуматининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Муваффақ ал-Рубойи томонидан ақинда қўллаб-қувватланди. Вазият энди қай томон ўзгаради, бунга вақт кўрсатади.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.

КИМЁГАРЛАР АНЖУМАНИ

Тошкент кимё-технология институти ташкил этилганлигига ўн беш йил тўлди. Шу муносабат билан яқинда «Умидли кимёгарлар — 2006» деб номланган илмий анжуман ва аънавий «Фан ҳафталиги» бўлиб ўтди. Унда институт профессор-ўқитувчилари, докторант ва аспирантлар, талабаларнинг 300 га яқин маърузалари тинланди.

Маъруз анжуман республикамизда кимё илмини ривожлантиришга, ушбу фан билан шуғулланаётган ёшларга ўзига хос амалий мактаб вазифини ўта-

ди. Шу билан бирга соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳам ижобий самаралар бериши шубҳасиз.

Тадбир доирасида институтда қатор йиллар давомида ёшларга илм-фандан савоб берган педагог-олимлар фаолияти акс этган «Кимёгар-технологлар маскани фидойилари» номли тулпанинг тақдими бўлиб ўтди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари бу ерда ташкил этилган музейда ҳам бўлиб, институт ҳаёти хақидаги лавҳалар билан танишдилар.

Ахмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири
Хурсандбек АРАББОЕВ
олган сурат

ЯНГИ «КИТОБ МАРКАЗИ»

Анджон шаҳрида «Шарқ зиёкори» акциядорлик жамиятининг «Китоб маркази» очилди

«Шарқ зиёкори» — сифатли ва мазмун жиҳатдан ранг-баранг китобларни ўқувчига етказиш борасида қатор хайрли ишларни амалга ошириб келаётган жамоалардан. Хусусан, кейинги пайтларда вилоятлар марказларида очилаётган янги китоб дўконлари фикримиз далилидир.

Анджон шаҳрида иш бошлаган янги «Китоб маркази»га «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган «Жаҳон адабиёти дурдоналари», «Аср ошган асарлар», «Болалар адабиёти» каби туркум баддий асарлар келтирилди. Бундан ташқари,

Юнус ЗИЁДОВ



АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

Энг йирик ва нуфузли банклардан бири
акциядорлик тижорат «ПАХТА БАНК»
Сизлар учун янги, қулай ва манфаатли

«ЗАМИН»

муддатли жамғармасини жорий этди.

Омонатнинг сақлаш муддати **2 (ИККИ) ОЙ**
бўлиб, йиллик **22 ФОИЗ** миқдоридан даромад
тўланади!

Омонатнинг энг кам миқдори
100 МИНГ СЎМ.

Омонатга қўйган маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси
«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш»
Фонди томонидан кафолатланган!

Шошилинг, имкониятингизни
қўлдан бой берманг. Омонатга
маблағлар шу йилнинг
31 МАЙИГА қадар қабул
қилинади.

«ПАХТА БАНК»
Сизнинг келгуси
даромадингиз кафилидир!

«ПАХТА БАНК» фаровонлигингиз калитидир!



Диққат, танлов!

Ҳурматли маҳаллий ва хорижлик ишбилармон тадбиркорлар!

Давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси ва Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси

Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси баённома қарорига мувофиқ объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шarti билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов ўтказилиши — 2006 йил 28 июнь, 5, 13, 19, 27, 31 июль ва 2, 9, 16, 23, 30 август кунлари.

Вақти — соат 11.00 да.

Ўтказилиш жойи — Тошкент вилояти ҳокимлиги

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 19-уй.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий

ва жисмоний шахслар, маҳаллий, хорижий ишбилармон ва тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин.

Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо вақтидан уч кун аввал тўхтатилади.

Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:

Танловда иштирок этишни хоҳлаган барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:

а) ариза ҳужжатлар тўплами;

б) техник ишлаб чиқариш таклифлари ҳужжатлар тўплами;

в) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга куйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати)
2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси
3. Таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари
4. Бизнес-режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим)

Конвертлар муҳрлашиб (жисмоний шахслар имзолаб), белгиланган шаклдаги ариза билан
Давлат мулки кўмитасининг Тошкент вилоят бошқармасига топширадилар.

№/р	Корхона ёки объект номи	Жойлашган жойи (туман, шаҳар)	Устав фондидаги давлат активи фойзда		Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик)	Инвестицион мажбуриятнинг минимал миқдори (млн. сўм)	Инвестицион мажбуриятнинг бажарилиш муддати (йил)
			Жами	Шу жумладан давлат улуши			
1	«Мафтуна» ОАЖ	Оққўрғон туман	74,0	74,0	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	600	24 ой

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки кўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси.
Тел.: 139-21-20, 139-22-27, 139-21-24, 139-21-17.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 20 октябрдаги 204-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилоят «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси»нинг 2006 йил 16 мартда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти, Қўйичирчиқ туманида жойлашган «Биокимё» ОАЖга қарашли «Ердамчи хўжалик» давлат объекти бўйича бир йил муддат ичида жами 150000,0 миң сўм миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти билан инвесторга бепул берилганлиги маълум қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 мартдаги 29-сонли «Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 2-илъовасига мувофиқ, Тошкент вилоят «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни

инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси»нинг 2006 йил 26 апрелда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида жойлашган «Мафтуна» ОАЖнинг 74 фоиз давлат активи бўйича инвесторлар билан тузилган шартномалар бекор қилинганлиги ва улар бўйича қайта танлов савдолари эълон қилинганлиги билдиради.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги 209-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилоят «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли объектларни инвесторларга инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериш бўйича ҳудудий танлов комиссияси»нинг 2006 йил 26 апрелда ўтказилган танлов натижаларига кўра, Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳрида жойлашган «Болалар сўт оиҳонаси» давлат объекти бўйича бир йил муддат ичида жами 54655,0 миң сўм миқдорда инвестиция киритиш мажбурияти билан инвесторларга бепул берилганлиги маълум қилинади.



ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ ТАНТАНАСИ

Қарши шаҳрида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» республика спорт ўйинлари якунланди

Тўрт кун давом этган баҳсларда мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган икки мингдан зиёд ўғил-қиз спортнинг ўн икки тури бўйича 206 та олтин, 206 та кумуш, 220 та бронза медаллари учун қизгин кураш олиб бордилар.

Этиборли жиҳати, мактаб ўқувчиларининг аънаванавий «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларида илк мартаба жамоавий спорт турлари бўйича рақиблар қуръа ташлаш йўли билан аниқланди.

Кураш баҳсларида қашқадарёлик Наим Жумаев 24 белбоғли кураш бўйича Ҳамза Маматов (Сирдарё) 28 соғинада соф галабага эришиб, мусобақанинг «Энг тез галабаси учун» номинацияси бўйича мукофотга сазовор бўлишди.

— Беллашуларга кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Мухаммадиев қўл остида ҳозирлик

қўрдик, — дейди сурхондарёлик кумуш медал соғиндор Аҳроржон Мадаминов (77 кг.). — Ниятим «Умид ниҳоллари»да бош совринни қўлга киритиш эди. Бироқ ҳал қилувчи баҳсда бироз омадим чопмади. Уйга кумуш медал билан қайтаман. Энг муҳими, Қашқадарёда ўтган катта спорт байрамидан унутилмас таассуротлар олдим. Қўллаб-дўстлар орттирганимдан беҳад бахтиёрман.

— Қарши заминиде ўтган ҳар бир кун иштирокчи ўғил-қизларга чексиз куч, илҳом ва шижоат бағишлади, десам муболага бўлмайди, — дейди Жиззах вилоят болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Анвар Нормуродов. — Мусобақада бадий гимнастика бўйича айнан бизнинг мактабимиз қизлари вилоятимиз шарафини ҳимоя қилди. Мураббий Наргиза Эргашева устозлигида гиламга чиққан Мафтуна

Турсунқуллова, Ўғилрой Абдураҳмонова, Юлдуз Хушбоқваларнинг хатти-ҳаракатлари мутахассислар томонидан илиқ қутиб олинди. Шогирдларимиз якунда шохсуладан жой олмаган бўлсалар-да, ушбу нуфузли мусобақа улар учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтади.

«Умид ниҳоллари — 2006» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими. Стадионни яна минглаб ёшлар тўлдирди. Ўзига хос меъморий услубда бунёд этилган, замонавий ва муқтадам спорт мажмуаси узра чорлов мусиқалари янгради.

Майдонга «Умид ниҳоллари — 2006» республика спорт ўйинларининг барча голиб ва совриндорлари кириб келади.

Ниҳоят, энг ҳаяжонли дақиқалар — голиб жамоаларни тақдирлаш маросими бошланди.

Мусобақада умумжамоа ҳисобида энг кўп медал ва очко жа-

марган Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Голибларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўللанган табригининг асл нусхаси ҳамда Президент совғаси — «Дамас» автомобили тақдим этилди. Совғаларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов ҳамда Қашқадарё вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев топширди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Қашқадарё вилояти ёшларига «Дамас» автомобили берилди. Учинчи ўрин эса Фарғона вилояти терма жамоасига насиб этди ва улар ҳам «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

Шунингдек, 2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан Китоб тума-

нидаги «Гўдақлар уйи» ҳамда Қашқадарё вилоят оналар ва болалар шифохонасига Президент совғаси — «Дамас» тез тиббий ёрдам автомашиналари тўхта қилинди.

Бундан ташқари, тантанали ёпилиш маросимида спорт турлари бўйича «Энг чиройли партияси учун», «Энг кучли ҳужумчи», «Галабага бўлган иродаси учун», «Энг кучли чирик ўйинчиси», «Спорт устаси талабини бажадгани учун», «Энг тез галабаси учун» сингари номинациялар голиблари номи эълон қилинди. Улар компьютер ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

...Стадион узра қалбларга ўзгача кайфият ҳада этувчи мусиқа янгради. Мусобақа давомида ҳилпираб турган «Умид ниҳоллари — 2006» спорт ўйинлари байроғи туширилди. Қашқадарёлик ёшлар эстафетани 2009 йили бўладиган навбатдаги мусобақалар мезбони — Сирдарё вилояти вакилларига топширишди.

«Умид ниҳоллари — 2006» республика спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими таниқли санъаткорларнинг дилрабо куй-қўшиқлари билан якунланди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Суратларда: голибларни тақдирлаш пайти.

«КАМАЛАК ЖИЛОСИ»

мавзуида республика меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида аънаванавий расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди



«Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан» жамғармалари, Халқ таълими вазирлиги, Миср маданият маркази ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган уч босқичли ушбу кўрик-танловда Меҳрибонлик уйларидаги 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган 1500 нафар тарбияланувчилари ўз асарлари билан иштирок этди. Танловдан қўзланган мақсад эса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва барқамол этиб тарбиялаш, иқтидорлиларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантиришдан иборат.

Кунги кеча Ўзбекистон Бадий академияси кўрғазмалар залида кўрик-танловнинг якуний босқичига чиққан икки юздан ортиқ иштирокчининг акварел расмлар ва амалий санъат асарлари намойиш этилди. Ҳайъат аъзолари томонидан улар орасидан икки йўналишда голиблар аниқланди. Унга қўра, Тошкент вилоятидаги 14-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Нодира Бахромова, Қашқадарё вилоятидаги 5-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Элнур Эгамов, пойтахтимиздаги 23-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Евгений Радаев, Жиззах вилоятидаги 29-меҳрибонлик уйидан Лена Жуквалар 1-ўринни эгаллашди. Шунингдек, ана йигирма нафарга яқин иштирокчи совринли ўринларни қўлга киритди. Голибларга ташкилотчиларнинг мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.

Бу каби танловлар меҳр-эътиборга муҳтож болаларнинг санъатга бўлган қизиқишларини ошириш билан бирга ёш иқтидорлиларни аниқлаш ҳамда улар озуларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Зайниддин МАВЛИДДИНОВ
Суратда: кўрик-танловдан лавҳа.
Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги 266-ўрта мактаб томонидан 1998 йил 16 июнда Зайнулла Ильдар Фаридович номига берилган UZK 057486 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги шаходатнома йўқолиши сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

(Газетанинг навбатдаги сони 13 май, шанба кунни чиқади.)



Мухаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Лас-Вегас шаҳрида WBC йўналиши бўйича жаҳон чемпиони номини олиш учун биринчи ўрта вазндаги даъвогар Оскар де ла Хой билан чемпион Рикардо Майор ўзаро жанг қилди. Оскар олтинчи раундда галаба қилиб тўққизинчи марта жаҳон чемпиони номига сазовор бўлди. Оскарнинг ҳаракатларида устунлик кўзга ташланиб турди. Рикардо эса

ОСКАРНИНГ АЖОЙИБ ГАЛАБАСИ

ҳужумга зўр берган бўлса-да, зарбалари аниқ нишонга тегмади. Рақиб эса кўпчилик ўйлагандек, ҳимояга ўтмасдан қарши зарба беришни ўрнига қўйди. Биринчи раунддаёқ Оскарнинг чап қўли билан берган зарбаси аниқ нишонга тегди, Рикардони ноқдаун ҳолатига тушир-

ди. Иккинчи раундда эса жанг кўриниши бироз ўзгарди. Лекин Оскар буш келмади. Шунга қарамай, учинчи раундда кучлар тенглашди. Тўртинчи раундга борганда, яна Оскар ташаббусни қўлга олди. Бешинчи раундда Оскарнинг галаба қозониши ойдинлашиб қолган эди. Ол-

тинчи раундда у рақибнинг бошига кетма-кет зарба бериб, анча гангитиб қўйди. Ҳакам эса жангни давом эттиришга ишора қилаверди. Ниҳоят, Оскар никарагуалик Рикардони учинчи марта ноқдаун ҳолатига тушириб, чемпионликни қўлга киритди. Шундай қилиб, бу жанг учун Рикардога 2 миллион, Оскарга эса 8 миллион доллар бериладиган бўлди.

«Наманган электр тармоқлари»

очиқ турдаги акциядорлик жамияти жамоаси

аждодларимизнинг муборак руҳини ёд айлаб, мамлакатимиз аҳлига юксак кадр ва эҳтиром изҳор этади.



Ҳар бир кўнгилдан, хонадондан ҳеч қачон нур, ёруғлик, эзгу ният аримасин.

Осмонимиз ҳамиша мусаффо, ҳурлигимиз барқарор бўлсин!

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Allimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA' DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihidin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 133-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikomjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 750
11058 nusxada bosildi
Г — Тўхсоннинг маммурауу
O'zA yakuni — 20.15
Topshirish vaqti — 20.30
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda